

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ  
“UZ-SAEMYUNG KO”  
УЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ КОРЕЯ КУШМА КОРХОНАСИ

АЖ “UZ-SAEMYUNG KO” ҚК

Кузатов Кенгашининг

2023 йил “*12-19*” кунги

-сонли қарори билан



“ТАСДИҚЛАНГАН”

АЖ “UZ-SAEMYUNG KO” ҚК

ваколатхоналари хақидаги

НИЗОМИ

## **1. Ваколатхона хакида умумий коидалар:**

- 1.1. Акциядорлик Жамияти "UZ-SAEMYUNG KO" ККнинг Тошкент шахридаги Ваколатхонаси (кегинги уринларда ваколатхона деб юритилади), Акциядорлик Жамияти "UZ-SAEMYUNG KO" КК (кегинги уринларда Жамият деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва Жамият манфаатларини ифода этиш учун ташкил этилган таркибий булинмаси ҳисобланади.
- 1.2. Ваколатхонанинг юқори органи Жамиятнинг Бошқарув раиси ҳисобланади.
- 1.3. Ваколатхона манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амур Темур кучаси 13 уй.
- 1.4. Ваколатхона уз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Жамият Уставига, мазкур Низомга, ҳамда Жамият Бошқарув раисининг фармоишларига амал қилади.
- 1.5. Ваколатхона юридик шахс эмас, алоҳида мол-мулкка эга эмас, мустақил балансга эга эмас, шартнома ва битимлар туза олмайди, мулкӣ ва шахсий номулки ҳуқуқларга эга эмас, Жамият номидан ишончнома асосида судларда даъвогар ва жавобгар сифатида мажбуриятларни олади ва ҳаракат қилади.
- 1.6. Ваколатхона думалок муҳрга, бурчак штампига ва ваколатхона номи ёзилган штампга, бланкга ва бошқа реквизитларга эга.
- 1.7. Ваколатхона Жамият манфаатларини ифода қилишда, Жамиятнинг товар белгиларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.
- 1.8. Ваколатхона Ўзбекистон Республикасида ҳужалик фаолиятини амалга оширмайди.

## **2. Ваколатхона фаолияти:**

- 2.1. Ваколатхонанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
  - маҳсулотни сотиш бозорини урганиш;
  - потенциал харидорларни излаш ва улар билан консултация қилиш;
  - маҳсулотларни ишлаш шартларини урганиш;
  - ярмаркалар, симпозиумлар, кургазмалар, семинарлар, музокаралар тайёрлаш ва ташкил этиш;
  - потенциал харидорларни таклифларини қайта ишлаш ва маълумотларни Жамиятга етказиш;
  - тарғибот фаолиятини ривожлантириш;
  - хизмат курсатиш бўлими ишини ва эҳтиёт қисмлар билан таъминланишини назорат қилиш;
  - бозор қонъюктурасини урганиш, маълумотларни умумлаштириш ва қушма қорхоналар ташкил этиш буйича таклифлар бериш;
  - музокаралар, учрашувлар ва бошқа тадбирларни маиший ва техникавий томонидан таъминлашни ташкил этиш;



2

- Узбекистонда Жамиятнинг ташки иктисодий фаолиятини олиб бориш.

2.2. Ваколатхона юкорида курсатилган фаолиятни амалга оширишда факат Жамият номидан ва унинг номидан иш олиб борган холда музокаралар, симпозиумлар, семинарлар, кургазмалар, ярмаркалар ва бошка тадбирларда иштирок этиши мумкун.

### **3. Ваколатхонанинг мулки:**

3.1. Ваколатхона – унга Жамият томонидан берилагн мол-мулкга эгалик килади ва ундан фойдаланади.

3.2. Ваколатхонага берилган мол-мулк Жамиятнинг жамланма балансида хисобга олинадиган асосий воситалар, пул маблаглари ва бошка кимматликлардан иборат.

3.3. Ваколатхона алохида мулкка эга эмас ва мустакил баланс юритмайди.

### **4. Ваколатхона идорасини бошқариш:**

4.1. Ваколатхона фаолиятини унинг олий ва ижро этувчи органлари бошқаради.

4.2. Ваколатхонанинг олий бошқарув органи Жамият хисобланади. Ижро этувчи орган Ваколатхонанинг Бош менеджери хисобланади.

4.3. Ваколатхона фаолиятини Ваколатхона Бош менеджери бошқаради.

### **5. Жамият ваколатлари:**

5.1. Жамиятнинг мутлок ваколатларига куйидагилар киради:

- ваколатхона фаолиятини асосий йуналишларини белгилаш, уларни амалга ошириш буйича режалар ва хисоботларни тасдиклаш;

- ваколатхона Бош менеджери лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

- ваколатхона фаолиятини текшириш ва текширувчини тайинлаш;

- аудит хисоботлари ва хулосаларини тасдиклаш.

### **6. Ваколатхона Бош менеджери ваколатлари:**

6.1. Ваколатхона Бош менеджери Жамият Бошқарув раисининг буйруги билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод килинади;

6.2. Ваколатхона Бош менеджери, рахбар ваколатларини фойдаланади ва шу сабабли тугридан тугри мустакил равишда Ваколатхона фаолиятига боглик масалаларда карор кабул килади.

6.3. Ваколатхона Бош менеджери Жамиятнинг ишончномаси асосида ва унинг номидан куйидаги хукукларга эга:

- банк хисобларини очиш ва бошқариш;

- барча масалалар, ташкилот ва корхоналар, шу жумладан маъмурий органлар, божхона органлари, банклар, судлар ва нотариуслар олдида Жамият номидан вакиллик килади;

- ваколатхонанинг барча ходимлари бажариши мажбурий булган буйруklar чикариш ва курсатмалар бериш;



- Узбекистон Республикасидаги ваколатхона фаолияти билан боғлиқ барча ҳаракатларни амалга ошириш;

- Узбекистон Республикасининг муассислари, ташкилотлари, судлари, нотариал идоралари, божхона ва солиқ хизматлари, юридик ва жисмоний шахсларга Жамият номидан ариза ва илтимосномалар билан мувожаз қилиш.

#### **7. Кадрлар ва меҳнат муносабатлари:**

7.1. Ваколатхона Бош менеждери ва ходимлар Жамиятнинг бошқарув раиси томонидан тайинланади;

7.2. Ташкилий тузилма, доимий ва вақтинчалик ходимлар сони Жамиятнинг Бошқарув раиси томонидан белгиланади;

7.3. Жамият Бошқарув раиси Ваколатхона ходимларини ишга олади;

7.4. Ваколатхонага ишга қабул қилиш тугрисидаги асосий ҳужжат ишга қабул қилиш тугрисидаги яъни меҳнат шартномаси ҳисобланади.

#### **8. Ваколатхона ходимларига ҳақ тулаш ва таътиллари:**

8.1. Ваколатхона ходимларига ойлик иш ҳаққи штат жадвалига мувофиқ белгиланади.

8.2. Ваколатхона ходимлари йиллик ҳақ туланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга. Таътил жадвали Жамият маъмурияти билан келишилади.

#### **9. Ваколатхона фаолиятини тугатиш:**

9.1. Ваколатхона фаолияти Жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан еки қанун ҳужжатларида белгиланган бошқа асосларга қура тугатилади.

9.2. Ваколатхона тугатилгандан кегин қолган мол-мулк Жамият ихтиёрига берилади.

